

Вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмоновнинг XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этувчи вилоят спортчиларини тантанали тақдирлашга бағишланган маросимидаги
С Ў З И

Ассалому алайкум, азиз ҳамюртлар, қадрли мураббийлар ва Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчиларимизнинг табаррук ота-оналари!

Мана шундай қутлуғ саналар олдидан барчангизни мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Истиқлолимиз туфайли эришган юксак натижаларимиз бардавом бўлиб, обод ва озод келажак сари ҳаракатларимиз нурли манзилларга бошлашига тилақдошман.

Муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мамлакатни спортчалик дунёга тез танитадиган омил йўқ. Мана шундай шукуҳли кунларда, Мустақиллик йилларида озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, давлатимиз салоҳияти ва қудратини юксалтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида умумдавлат миқёсида ниҳоятда кенг кўламли вазифалар адо этилаётганини ҳар қадамда кўриб-билиб турибмиз.

Эндиликда ўзбекистонлик спортчиларнинг номлари дунё миқёсида машҳур бўлаётгани, ҳамма жойда ҳурмат билан тилга олинаётгани Ватанимизнинг обрў-эътиборини жаҳон майдонларида юксак поғоналарга кўтармоқда.

Бу борада сиз мураббий ва ота-оналарнинг хизматингиз беқиёсдир. Зеро, сизнинг тарбиянгиз ва сабоқларингиз натижасида эришилган ғалаба туфайли юртимиз байроғи спортчиларимиз томонидан жаҳоннинг энг нуфузли майдонларида юқори кўтарилмоқда.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Юртимизда кейинги 10 йил давомида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси болалар ва ўсмирлар ўртасида 30 фоиздан 57 фоизга, қиз болалар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга ўсгани бу борада қандай катта ютуқларга эришганимиздан далолатдир. 2005 йилда фарзандларимиз спортнинг 43 тури билан шуғулланган бўлса, бугунги кунда бу рақам 59 тани ташкил этмоқда.

Вилоятимизнинг спорт салоҳияти мамлакатда етакчи ўринларни эгаллаётганлиги ҳар бир андижонликка чексиз қувонч бағишлаши билан бирга катта масъулият ҳам юклайди. Бизда бокс, каратэ, таэквондо, муайтай, оғир ва енгил атлетика, синхрон сузиш, теннис каби турлар бўйича ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилмоқда.

Айниқса, қизларимизнинг дзюдо, каратэ, таэквондо сингари соҳаларда салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани ёш авлодимиз ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда ҳар томонлама қатъият, мардлик ва азму шижоат кўрсатишга қодир эканлигининг тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Сўнгги йилларда вилоятимизнинг барча ҳудудлари таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги йўللار, кўчалар, муҳташам бинолар, кўприклар қад ростлади. Дам олиш масканлари, хиёбонлар, сайлгоҳларда бир-биридан мафтункор фавворалар ёнида вақтни мазмунли ўтказиш кишига завқу шавқ бағишлайди.

Халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида рўёбга чиқарилаётган қурилиш, ободончилик ишлари қаторида спорт иншоотларини барпо этиш юзасидан олиб борилаётган саъй ҳаракатлар ҳам эътиборга моликдир. Жаҳон андозаларига мос равишда қад ростлаган қиличбозлик мактаби фикримизнинг ёрқин исботидир.

Бу йилдан бошлаб вилоятимизда марказий осийда ягона бўлган бокс академиясини қурилиши бошланаётгани ҳам спортнинг оммалишида муносиб хисса қўшади деб ўйлайман.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Ватанимизнинг тақдири ва эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлод учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Мана шу юксак эътибор учун дадил ва қатъий туриб жавоб бера оладиган ёшлар сафи кундан кунга ортмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **“Юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниқтириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда бутун борлигини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор.”**

Ҳурматли тадбир иштирокчилари,

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган 31-ёзги Олимпиада ва 15-ёзги Паралимпия ўйинларига 10 нафар вилоятимиз спортчилари томонидан 18 та лицензияни қўлга киритилганлиги барчамизга фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади.

Шу ўринда, олимпиадачиларимиз Руслан Нуриддинов, Раънохон Аманова, Хасанбой Дусматов, Вадим Скороваров, Наталья Асанова ҳамда Паралимпиячиларимиз София Бурхонова, Мавлон Хайдаров, Музаффар Турсунхўжаев, Фирдавс Мусабеков, Муслима Одиловаларнинг номларини бирма бир айтиш мен учун шараф деб биламан.

Ушбу иқтидорли спортчиларимизни номларини такрор-такрор ўқилиши нафақат андижонликларни, балки бутун ўзбекистонликларнинг ҳаяжонга солади десам муболаға бўлмайди. Чунки олимпия ва паралимпия ўйинларида бутун дунё нигоҳи спортчиларимиз орқали гўзал ва бетакрор Ўзбекистонимизга қаратилади.

Спортчиларимиз олдида турган энг муҳим вазифа дунёнинг юксак шоҳсупасида туриб, давлатимиз байроғини мағрур кўтариб, Ватанимиз шон-шарафини юксалтиришдан иборатдир. Биз бунга ишонамиз!

Зеро, сиз камолга етказган умидли спортчи ёшларимиз биз ўйлагандан, орзуларгандан ва умид қилгандан-да ортиқ имкониятларга эга. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда юқори кўрсаткичларга эришишида ёшларимизга улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Шу билан бирга мана шундай фарзандни дунёга келтириб, уларни тўғри тарбия қилган, камолот йўлидаги ҳаракатларида бош-қош бўлиб, барчага ибратли ва намунали қилиб тарбиялаган Сиз азиз мураббий ва ота-оналарга миннатдорчилик изҳор этаман!

Азиз андижонликлар.

“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” эзгу шиори остида барчаларингизга янгидан зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан ҳамisha ватанимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлсин!